

## МИРБОБО НАҚШБАНДИЙ ҚАЛБ ЗИКРИ ВА УНИНГ ТУРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

**Алишер Ражабов**

БухДУ Педагогика институти ўқитувчиси

**Аннотация:** Мазкур мақолада мутасаввиф Мирбобо Нақшбандийнинг “Миръотус соликин” (“Ҳақ йўли толибларининг ойнаси”) асарида баён қилинган қалб, унинг зикри ва зикрнинг турлари тўғрисида ёзган қарашлари, фикр ва хулосалари берилиб, илмий таҳлил қилинди.

**Калит сўзлар:** қалб, зикр, шайтоний, нафсоний, малакий, раҳмоний, нақшбандия, тасаввуф, нафс, нафас, хатар.

**Annotation:** In this article, the views, opinions and conclusions written by the mystic Mirbobo Naqshbandi about the soul, its dhikr and types of dhikr described in the work "Mir'otus solikin" ("The Mirror of the Seekers of the Right Path") were given and scientifically analyzed.

**Key words:** soul, zikr, satanic, nafsani, malaki, rahmani, naqshbandiya, mysticism, nafs, breath, danger.

Нақшбандия тариқатининг орифи, шоир ва мутасаввиф Мирбобо Нақшбандий (тах. 1650-1715) тўғрисида кўпчилик хабардор эмас. Негаки, Ҳинд заминда яшаб ижод қилган бу мутасаввиф нақшбандия тариқатининг муносиб вориси, мутасаввифи, назариётчи ва амалиётчиси сифатида иккита тасаввуфга ва нақшбандия тариқати назарий асосларига бағишланган “Тухфатул муҳаққиқин” (“Ҳақни изловчиларга тухфа”) ва “Миръотус соликин” (“Ҳақ йўли толибларининг ойнаси”) асарларини ёзган бўлса-да, бу асарлар ўз тадқиқотчиларини кутиб ётибди.

Мазкур мақолада мутасаввифнинг “Миръотус соликин” (“Ҳақ йўли толибларининг ойнаси”) асарида баён қилинган қалб, унинг зикри ва зикрнинг

турлари тўғрисида ёзган қарашлари, фикр ва хулосалари берилиб, илмий таҳлил қилинди.

Қалбга зикрни тўла киритиш ва уни қалб ўзи доимий айтадиган қилиш учун белгиланган нисоб бор. Мутасаввиф бу ҳақда шундай ёзади: “Исми зот бу “Аллоҳ, Аллоҳ” бўлиб, солик уни тоқ сонда айтиб, нисоб тўрт юзтага етганида Аллоҳ нақши қалбга тилло суви билан ёзилгандек чизилади ва қалбига зикр кириб жойлашади ҳамда солиқда Аллоҳнинг ҳузурига робита пайдо бўлади”<sup>6</sup>.

Солиқ шу мартабага етгандан кейин унда мавжуд барча маънавий иллатлар, шубҳа ва гумонлар ва бошқа ҳар хил иккиланишлар йўқолади. Руҳи ором олади, шифо топади, иймон ҳаловатига эришади. Солиқ дунё ишларидан фориг бўлиб, ўзини хотиржамлик ва сакинатда кўради. Қалбининг турли ташвишлардан холи бўлганини, руҳи таскин топиб, руҳан соғайганини ҳис қилади. Бу руҳий сакинатни Мирбобо Нақшбандий куйидаги байтда ифодалайди:

Эй, номи Туам шифои амроз,  
Вей, зикри Туам ҳусули ағроз<sup>7</sup>.

МАЗМУНИ:

Номи барча касалликларга шифо бўлган Зот – бу Сенсан  
Ва зикри барча мақсадларни ҳосил қилувчи Зот – Бу Сенсан.

Мирбобо Нақшбандий зикр қалбга ўрнашганидан кейин пайдо бўладиган руҳий ҳолатларни тасвирлаб, унинг руҳиятга таъсирини бир қитъа орқали ифодалайди:

Ёди Ту кунам дилам ба парвоз ояд,  
Номи Ту барам умр шуда боз ояд.

<sup>6</sup> مرآت السالكين. مير بابا ابن مير درويش نقشبندى. كتبخانه مركزى و مركز استاد دانشگاه تهران: 211-ص 6

<sup>7</sup> مرآت السالكين. مير بابا ابن مير درويش نقشبندى. كتبخانه مركزى و مركز استاد دانشگاه تهران: 212-ص 7

Рўзеки, ҳадиси ишқат оғоз кунад,  
Бо ман дару девор ба овоз ояд.

МАЗМУНИ:

Сени эслар бўлсам, дилим парвоз қила бошлайди,  
Номингни айтсам, умримга умр қўшилади.

Қайси кунки, ишқингни сўзлар бўлсам,  
Эшигу деворлар ҳам тилга кириб мен билан гаплашади.

Мутасаввиф қалбнинг зикрга ошно бўлишини, ва ундан айрилишни истамаслигини, ундан бир лаҳза айрилиш инсон учун катта мусибат бўлишини. Бу ҳол билан боғлиқ иш бўлганидан уни бошдан кечирганлар тушуна олишини айтади. Шу ўринда у “Иршодус соликин” (“Ҳақ йўли солиқларини тўғри йўлга бошлаш”) асаридан бир воқеани нақл қилиб келтиради:

“Иршодус соликин” да келтирилишича, Шайх Фатҳуллоҳ (Аллоҳ сирини муқаддас қилсин) нинг бир муриди бор эди. Бир куни унинг қалби зикр қилишни бошлаб юборди. Баҳор пайти эди ва ёмғир ёғиб турганди. Мурид ҳовлининг супасида бўлганидан оёғи лойгга тойиб сирпаниб кетди. “Бисмиллоҳ” деб, югуриб ўзини панага олди. Ўша онда унинг қалби зикрдан тўхтади ва ўринини ғафлат эгаллади. Мурид бунинг мусибатида тўрт ой оқ жома кийиб, белини боғлаб, соқолини ва тирноқларини ўстириб, мотамзадалик билан ўзини ожизона тутиб ва мотамсаро юриб, таъзия тутди”<sup>8</sup>.

Мирбобо Нақшбандий наздида ҳар бир нафас инсоннинг қайтиб келмас умрининг бир бўлагидир. Шунинг учун уни бекор ва ғафлат билан ўтказиб бўлмайди. Қалб билан зикр қилмасдан кириб чиққан ҳар бир нафас умрдан кетган бир гавҳар мисолидир. Буни у қуйидаги мисрада ифодалайди:

مرآت السالكين. مير بابا ابن مير درويش نقشبندي. كتبخانه مركزى و مركز استاد دانشگاه تهران: 213-ص 8

هر يك نفس كه ميرود از عمر گوهر است  
کآنرا خراج ملک چو عالم بود بها

МАЗМУНИ:

Умрдан ўтётган ҳар бир нафас қимматбаҳо гавҳардир,  
Унинг хирожи бутун олам билан тенгдир.

Мирбобо Нақшбандий шунинг учун умрнинг ҳар бир нафасини қалб ҳузури билан зикрда ўтказмоғлик, ҳамиша қалбни ғафлатдан холи қилишга ҳаракат қилмоғлик лозим деб билади. У буни Қуръон оятининг маъносидан излайди ва уни асос қилиб келтиради: “Бизни зикр қилишдан қалбини ғофил қилиб қўйган, ҳавойи нафсига эргашган ва қилар иши исрофгарчилик бўлган кимсаларга итоат этманг” (Каҳф: 28-оят.).

Мирбобо Нақшбандий шу тарзда иқтибос келтириб, зикрнинг амалий жиҳатларини тўлиқ тушунтиради. Тушунтириш давомида зикрнинг қалбни поклашдаги аҳамияти тўғрисида яна бир неча маснавий, байт, қитъа ва шеърий парчалар келтиради.

Мирбобо Нақшбандий қалбни тозалаш жараёнида инсон руҳиятида кечадиган ўй-хаёлларни тўрт турга бўлиб кўрсатади:

1. Шайтоний.
2. Нафсоний.
3. Малакий.
4. Раҳмоний.<sup>9</sup>

Шайтоний ва нафсоний хатарларни у “ғайри Ҳақ” хатарлар деб айтади. Ва солиқ бу нафсларни ўзидан нафй қилиши, яъни кетказиши керак ҳисоблайди. У бу тўғрида бир рубоий мавзуси остида маснавийни келтиради:

Хатарҳойи ғайри Ҳақ дароз дон,  
Ин риёзат солиқонро фарз дон.

<sup>9</sup> مرآت السالكين. مير بابا ابن مير درويش نقشبندي. كتبخانه مركزى و مركز استاد دانشگاه تهران: 216-ص 9

Посбони дил шав, андар кулли ҳол,  
То наёяд ҳеч дузд онжо маҳол<sup>10</sup>.

МАЗМУНИ:

Ҳақиқий бўлмаган хатарлар кўпдир,  
Бу каби хатарларни бошдан кечириб, риёзат тортмоқ соликка фарздир.  
Ҳар бир ҳол пайтида қалбингнинг посбони бўл,  
Токим унга ҳар турли ўғрилар киролмасин.

Мазкур рубоидан қуйидаги хулосаларни чиқариш мумкин:

1. Солик учун фикрий, ҳолий, ҳодисавий ва бошқа турдаги кўплаб хатарлар мавжуд.
2. Бу хатарлар Ҳақдан бўлмай балки шайтондан ва нафсдан бўлади.
3. Бу оғир хатарлар пайтида хурсандчилик ёки ғам-андухдан пайдо бўлган ҳар қандай ҳолда қалбни қаттиқ эҳтиёт қилиш ва унга дунёвий истак ва хоҳишлар аралашшидани асраш лозим.
4. Қалбни ўғрилардан, яъни соликни Ҳақ йўлидан адаштириши ёки чалғитиши мумкин бўлган ҳар қандай нарсалардан ҳимоя қилиш керак.

Мирбобо Нақшбандий соликнинг қалбини зикрга машғул қилиш усулларини ёзар экан бунинг бир неча тури борлиги айтади: “Баъзи зикрлар борки, улар икки зарбда талқин қилинади, базиси эса уч зарбда талқин қилинади, баъзиси жаҳрия тарзида тўрт зарб билан амалга оширилади. Буларни амалга ошириш тартиблари ҳам ҳар хилдир. Уларнинг баъзиси нафас орқали бажарилса, баъзиси тил орқали бажарилади, баъзини маъкус намози<sup>11</sup> билан амалга оширилади”<sup>12</sup>.

Бу каби турличаликни Мирбобо Нақшбандий солик учун зарарсиз деб билади. У буни қуйидаги мисра билан тушунтириб беради:

10 مرآت السالكين. مير بابا ابن مير درويش نقشبندي. كتبخانه مركزي و مركز استاد دانشگاه تهران: 216-ص

11 تاريقات солиكلارига буюриладиган ортиқча намоз тури.

12 مرآت السالكين. مير بابا ابن مير درويش نقشبندي. كتبخانه مركزي و مركز استاد دانشگاه تهران: 217-216-ص

МИСРА:

Мақсад якест Каъба равонон агар саданд,<sup>13</sup>

МАЗМУНИ:

Каъбага борувчилар юзта бўлсалар ҳам мақсадлари биттадир.

Мирбобо Нақшбандий қалбнинг зикрга машғул қилишда пири муршиднинг ўрнига эътибор қаратади. Унинг фикрича, бу борада қандай зикр турини танлаш муршиднинг, яъни пирнинг ихтиёрида бўлади. Мутасаввиф бу тўғрида “Баъзи пирлар муруқабани талқин қиладилар. Бунинг усуллари ҳам ҳар турли пирлардан турлича келган. Баъзи пирлар эса поси анфосни, яъни нафасни назорат қилиш орқали зикрни буюрадилар. Бунда улар соликка ҳар бир нафасни чиқарганда “Ла илаҳа” билан чиқаришни, нафасни олганда эса “иллаллоҳ” билан олишни ўргатадилар. Бу қоидани “ҳуш дардам” ёки “хатари нафас” деб айтадилар”<sup>14</sup>.

Мирбобо Нақшбандий бу зикрнинг аҳамияти нақадар катта бўлганлигидан пирларнинг Ҳақ йўлига кирган солик ва толибларга доимий уни эслатиб туриши учун ажойиб усуллардан фойдаланганликларини қайд этган: “Баъзи бир пирлар толибларга зикрни тўхтамай давом эттириб юришлари учун уларнинг идишлари ёки енгларига, доим назари тушиб турадиган жойларга “Аллоҳ” нақшини ёзиб кўярдилар”<sup>15</sup>.

Мутасаввиф давомли зикрнинг натижасида соликнинг кўзи олдидаги “Аллоҳ” нақши у муршидидан иршод олганида унинг қалбига кўчишини ва бунгача солик зикрда бардавом бўлиши кераклигини ёзади: “Солик маълум бир вақт бу тариқа мудовамат ва мулозамат кўрсатса, айна ўша “Аллоҳ” нақши

مرآت السالكين. مير بابا ابن مير درويش نقشبندى. كتبخانه مركزى و مركز استاد دانشگاه تهران: 217ص-13

مرآت السالكين. مير بابا ابن مير درويش نقشبندى. كتبخانه مركزى و مركز استاد دانشگاه تهران: 217ص-14

مرآت السالكين. مير بابا ابن مير درويش نقشبندى. كتبخانه مركزى و مركز استاد دانشگاه تهران: 217ص-15

муршиддан иршод олганда унинг қалбига муояна қилади ва у қайси томонга боқмасин, унда “Аллоҳ” нақшини кўради”<sup>16</sup>.

Юқоридаги хулосадан маълум бўладики, нақшбандия тариқатида қалбни тозалаш энг муҳим вазифалардан ҳисобланиб, унинг қуйидаги амалий кўринишлари мавжуд:

1. Қалбни зикрга ўргатиш усул ва воситалари бир неча хил бўлиб, унинг ягона қолипи мавжуд эмас. У вазият ва воқеликни, шуниингдек, тариқатга кирувчи солиқнинг руҳий ва маънавий ҳолидан келиб чиқиб, белгиланади.

2. Қалбни зикрга ўргатиш амалиёти тўғридан-тўғри пирнинг назорати ва талқини остида кечади.

3. Қалбни зикрга ўргатиш усулларида энг кенг қўлланиладигани бу “ҳуш дар дам” усулидир.

4. Қалбни шайтоний ва нафсоний истаклардан холи қилиш ва зикрнинг давомийлигини тъминлашмақсадида “Аллоҳ” лафзини кўз доим тушиб турадиган жой ва нарсаларга ёзиб кўйилади.

5. Зикрнинг давомийлигидан кутиладиган натижа бу “Аллоҳ” лафзини қалбга нақш қилиб, қалбни Ҳақ васлига етиштириш.

Мутасаввиф солиқ қалби сайқалланиб, унда Ҳақ нури тажаллий қила бошлаши билан солиқнинг кўзига Ҳақдан бошқаси кўринмай қолишини, қайси томонга ва қаерга боқса Уни кўришини рубоий номи остида келган тўртлигида ифода қилади:

## **РУБОУЙ**

Ман номи Туро бар кафи худ бингорам,

Бас, дийда бар он ном ҳам чун ёранд.

Аз баски, ду дийда дар хаёлат дорам,

Дар ҳар чи назар кунам Туе пиндорам.

<sup>16</sup> مرآت السالكين. مير بابا ابن مير درويش نقشبندى. كتبخانه مركزى و مركز استاد دانشگاه تهران: 218ص

## **МАЗМУНИ:**

Мен Сенинг номингни ўз кафтимда кўраман,  
Бас, кўзларим ҳам унга жуда ўрганиб қолган.  
Шу қадарки, икки кўзимга хаёлий суратинг кўринади,  
Ҳамма нарсага боқсам, унда Сени кўраман.

Мирбобо Нақшбандийнинг мазкур асари том маънода тариқат йўлининг солиқлари учун дастуруламал ва услубий кўрсатма ҳамда назарий асос сифатида ёзилган ўзига хос асар бўлиб, у ўз тадқиқотчиларини кутиб турибди. Шунингдек, ундан инсон камолотига хизмат қиладиган, унинг маънавий дунёсини бойитадиган ҳамда ахлоқий ҳаётда учрайдиган турли муаммолар ва руҳий тарангликни кетказишга кўмаклашадиган муҳим ўғитларни, пандларни ва қалбни тарбиялашда, унга эзгуликни сингдиришга қўл келадиган ва асос бўладиган хулосаларни олишимиз мумкин.

## **Фойдаланилган адабиётлар:**

1.       مرآت السالكين. مير بابا ابن مير درويش نقشبندى. كتبخانه مركزى و مركز استاد دانشگاه تهران: 211-ص
2.       [https://baharestan.khoy.iau.ir/article\\_689823.html](https://baharestan.khoy.iau.ir/article_689823.html)